

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 524-ҳадис

524 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَدْ أَفْلَحَ مَنْ أَسْلَمَ، وَكَانَ رِزْقُهُ كَفَافًا، وَقَنْعَةُ اللَّهِ إِمَّا آتَاهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1054].

524. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Мусулмон бўлган, етарлича ризқлантирилган ва Аллоҳ Ўзи берган нарса билан қаноатлантирган одам аниқ зафар топибди»

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳар коғир кимса хусрондадир, иймон аҳли эса, дунё ва охиратда зафар қозонгандир. Агар ризқ әҳтиёж даражасида бўлса, инсонни хорликдан ва туғёнга кетишдан ҳимоя қилиб сақлайди. Қаноат ҳақиқий бойлиkdir.

Аллоҳга ва охират кунига иймон келтириш розилик ва қаноатни мева қилиб тортиқ этади. Мана икки нарса дунё ва охиратдаги хайр-барака асосидир.

Манба: hadis.islom.uz



